

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВ САНЪАТ ЭРГАШЕВИЧ

**ТУРГУН СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ СИНТАКТИК
ДЕРИВАЦИЯСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарканд – 2020

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Шодиев Санъат Эргашевич

Турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси 3

Шодиев Санъат Эргашевич

Синтаксическая деривация устойчивых словосочетаний 23

Shodiyev Sanat Ergashevich

Syntactic derivation of set expression 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

ШОДИЕВ САНЪАТ ЭРГАШЕВИЧ

**ТУРГУН СЎЗ БИРИКМАЛАРИНИНГ СИНТАКТИК
ДЕРИВАЦИЯСИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарканд – 2020

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.4.PhD/Fil1640 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг samdu.uz ҳамда “ZiyoNet” – таълим портали www.ziynet.uz манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турниёзов Неъмат Қаюмович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Маматов Абдугофур Эшонқулович
филология фанлари доктори, профессор

Абузалова Мехринисо Кадировна
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” ___ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри Университет хиебони. 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz. Самарқанд давлат университети. Бош бино, 1-қават, анжуманлар зали (105-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (.....-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри Университет хиебони. 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92, факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил ___ кун тарқатилди
(2020 йил “___” ___ даги _____-рақамли реестр баенномаси)



М. Қ.Муҳиддинов

Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

А.Б.Пардаев

Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф.д.

А.Э.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д. профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида сўзларнинг ўзаро муносабатга киришуви масаласи синтактик тадқиқотларнинг энг муҳим ва долзарб муаммоларидан бири бўлиб келди ва бугунги кунда ҳам шундай бўлиб қолмоқда. Бу соҳада сўз бирикмаларининг қарийб барча турлари тадқиқ этилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бироқ, турғун сўз бирикмаларидаги компонентлараро синтактик муносабатумумий тилшуносликда ҳам ҳали том маънода ўрганилмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур масалада илмий изланишлар олиб боришга туртки бўлди ва янги тадқиқотларни амалга ошириш учун асос бўла олишини намоён этди.

Дунё тилшунослигида турғун сўз бирикмалари ҳали меъёр даражасида ўрганилгани йўқ. Ҳозиргача парафраза, таркибли атамалар, мураккаб терминлар ва уларнинг идиоматик маъноли турлари фразема номи билан озми-кўпми ўрганилиб келинмоқда. Аммо бу борада ҳам талай мунозарали ўринлар кўзга ташланади. Жумладан, соф турғун сўз бирикмалари (таркибли атама ва мураккаб терминлар, парафразалар) ҳам, уларда идиоматик маъно кузатилмаса-да, фразема мақомида талқин этилмоқда. Ҳозиргача мавжуд тадқиқотларда турғун бирикмаларнинг мутлақ семантик ҳодиса сифатида ўрганилиши, уларнинг компонентлари орасида шаклланувчи синтактик муносабат масаласининг назардан четда қолиб келаётганини қайд этар эканмиз, турғун сўз бирикмалари компонентлариаро мавжуд синтактик муносабатларни тадқиқ этиш бугунги кун тилшунослигининг долзарб масалалардан бири эканлигини кўрсатади.

Мустақиллик йилларида ўзбек тилшунослиги жадал ривожланиш босқичига кўтарилди. Шу сабабли биз танлаган масала бўлган турғун сўз бирикмалари мезони хусусида айтиш даврагача билдирилган илмий қарашларда бир-бирига мос келмаслик ёки бир-бирини инкор этиш ҳолатлари мавжудлиги аниқ бўлиб қолди. Мазкур қарашлар тилшунослигимизда мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бу борадаги қарашларни ўрганиб муайян бир хулосага келиш, масаланинг ечим топишива шу асосда илмий далилланган тўғри фикрга келиш муҳим аҳамият касб этади. Хуллас, "...Илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, ижодий ғоя ва ишланмалар ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш вазифаси"¹ тилшуносликнинг барча йўналишларида тадқиқотлар олиб бориш ва турли амалий тажрибалар ўтказишни талаб қилади. Шу нуқтаи назардан, тилни назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш, тил масалаларини унинг соҳиблари дунёқараши,

¹Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси [www.http://prezident.uz/uz/lists/view/137](http://prezident.uz/uz/lists/view/137)

тафаккури ва оламни лисоний билиш даражасидан келиб чиқиб тадқиқ қилиш фанда катта ютуқларни қўлга киритишни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сонли “Таълим муассасаларида чет тилларни ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сонли “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертацион иш республика фан ва технологиялари ривожланишининг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўз бирикмаси муаммоларини ўрганиш тилшуносларни азалдан қизиқтириб келди ва бу соҳада Европа тилшунослигида ҳам, туркий тилшуносликда ҳам салмоқли тадқиқот ишлари қилинди. Германия тилшунослари ҳали ўтган асрнинг 20-йилларида бу соҳада нуфузли тадқиқот ишлари бажарган эдилар. Фикримиз далилини Й.Рис таълимотида, кейинчалик эса О.Беҳагел, В.Юнг ва бошқа олимлар томонидан олиб борилган илмий кузатишларда кўра оламиз². Даниялик таниқли тилшунос О.Есперсеннинг эришган ютуқлари ҳам таҳсинга сазовордир³.

Рус тилшунослигида сўз бирикмаси тадқиқи бобида Ф.Ф.Фортунатов, А.М.Пешковский, В.В.Виноградов, Н.Н.Прокопович, В.В.Бурлакова, Н.И.Филичева, А.А.Реформатский ва бошқа олимлар томонидан қилинган ишлар ибратлидир⁴. Туркий тилшуносликда А.Н.Баскаков, Ю.М.Сеидов, М.Б.Балакаев, Ф.Абдуллаев, А.А.Коклянова, Н.Маҳмудов, А.Нурмонов, Х.Холиёров, М.К.Шарипов, А.Бердиалиев, М.Четин каби олимларнинг

² Ries.Zur Wortgruppenlehre.-Prag, 1928; O.Behagel.Die deutsche Sprache.-Halle, 1954; Jung W.Kleine Grammatik der deutschen Sprache.-Leipzig, 1953.

³Қаранг: Есперсен О. Философия грамматика. –М.,1958.

⁴Қаранг: Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды, т.1.-М., 1956. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. – М., 1956; Виноградов В.В. Избранные Труды. Исследования по русской грамматике. – М., 1975; Прокопович Н.Н. Словосочетание в современном русском литературном языке. – М., 1956; Бурлакова В.В., Основы структуры словосочетания в современном английском языке. – Л., 1975; Филичева Н.И. О словосочетаниях в современном немецком языке. –М., 1969; Реформатский А.А., Введение в языковедение.-М.,1967.

тадқиқот ишларида ҳам сўз бирикмаси масалалари мукамал ўрганилди⁵. Бироқ, турғун сўз бирикмаларининг тадқиқи бобида ҳамон изоҳталаб масалалар кузатилмоқда. Кўпгина олимлар бундай бирикмаларни идиоматик маъноли фразема тарзида изоҳлаб келдилар. Соф турғун бирикмалар аксарият ҳолларда идиоматик маъноли бирикмалар билан қориштириб юборилди. Бу ўринда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, турғун бирикмалар, шу жумладан, фраземалар ҳам семантик ҳодиса тарзида изоҳланди, уларнинг компонентлари ўртасидаги синтактик муносабат, юқорида эслатиб ўтилгани каби, масаласи назардан четда қолди. Турғун сўз бирикмаларининг деривацион хусусиятларини ўрганиш масаласи эса ҳали тадқиқотлар кун таркибига қўйилгани йўқ.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Самарқанд давлат чет тиллар институти тил назарияси ва адабиётшунослик кафедрасида олиб борилаётган “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги фундаментал тадқиқот доирасидадир.

Тадқиқот мақсади. Ҳозирги ўзбек тилида соф турғун сўз бирикмаларининг лингвистик табиатини ёритиш ва уларнинг деривацион хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

соф турғун сўз бирикмаларининг ифода материалларини белгилаш (таркибли атама, мураккаб термин ва парафраза);

соф турғун бирикмаларнинг ноидиоматик қурилма эканлигини далиллаш;

соф турғун бирикмаларини идиоматик сўз бирикмаси қолипидаги фраземалардан фарқли жиҳатларини кўрсатиб бериш;

турғун сўз бирикмалари, шу жумладан, фраземалар ҳам нафақат семантик, балки синтактик ҳодиса эканлигини илмий жиҳатдан асосли равишда изоҳлаш;

турғун сўз бирикмалари эркин бирикмалардан фарқли равишда, гапнинг қурилиш материали эканлигини асослаш;

гап қолипидаги фразеологик иборалар деривацион хусусиятларини тадқиқ этиш;

⁵Қаранг: Баскаков А.Н. Словосочетания в современном турецком языке. – М., 1974; Сеидов Ю.М. словосочетания в азербайджанском языке (Автореф. докт. дис.). – Баку, 1966; Балакаев М.Б. Основные типы словосочетаний в казахском языке. – Алма-Ата, 1957; Абдуллаев Ф. Сўзлар ўзаро қандай боғланиди? – Тошкент, 1974; Коклянова А.А. Глагольные словосочетания в узбекском языке. // Исследование по синтаксису тюркских языков. – М., 1962; Махмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. – Тошкент, 1995; Халияров Х. Именные словосочетания в современном узбекском языке. // Автореф. канд. дис. – Самарқанд, 1966; Шарипов М.К. Ҳозирги ўзбек тилида сўз бирикмалари синтаксиси масалалари. – Тошкент, 1978; Бердиалиев А. Ўзбек тили сўз бирикмалари синтаксиси. – Тошкент, 1990; Четин М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмалари синтактик деривацияси // Номзодлик. дис. автореф. – Тошкент, 2002; Хайруллаев Х. Сўз, сўз бирикмаси ва гапнинг предикативликка муносабати // Номзод. дис. автореф. – Тошкент, 2001; Хўжаев Т. Сўз бирикмаси ҳақида // Ўзбек тилшунослиги ва умумий тилшунослик масалалари. – Самарқанд, СамДу асарлари, 1976, Янги серия, №305. – Б. 29-48. Назарова С.А. Бирикмаларда сўзларнинг эркин боғланиш омиллари // Номзодлик дис. автореферати. – Тошкент, 1997. 22 б.

турғун бирикмаларнинг (шу жумладан фраземаларнинг ҳам) деривацион тамойилларини ёритиш .

Тадқиқотнинг объекти тарзида ўзбек тилидаги турғун сўз бирикмалари танланган.

Тадқиқотнинг предметини соф турғун бирикмаларининг лингвистик табиати, уларни эркин сўз бирикмаларидан фарқловчи ноидиоматик асоси, фраземаларнинг эса идиоматик характери ва деривацион хусусиятларининг тадқиқи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тил материалининг тадқиқи жараёнида тавсифий, дистрибутив, трансформацион ва ўрни билан аппликатив усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқот янгилиги қуйидагилардан иборат:

соф турғун бирикмаларнинг лингвистик табиатини идиоматик маъноли турғун бирикмалардан фарқли равишда очиб берилган;

соф турғун бирикмаларнинг таркибли атама, мураккаб термин ва парафраза шаклларидаги турларида фраземага хос белгилар йўқлиги, улар ноидеоматик бирикма эканлиги асосланган;

турғун сўз бирикмалари нафақат семантик, балки синтактик ҳодиса мақомида ҳам келиши аниқланган;

турғун бирикмаларнинг семантик ва синтактик деривация маҳсули эканлиги далилланган;

фраземалар ва гап қолипидаги фразеологик ибораларнинг деривацион хусусиятлари очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси жаҳон ва ўзбек тилшунослигидаги ҳолати ўрганилди, ҳамда уларнинг компонентлари ўртасидаги синтактик муносабатга, деривацион тамойиллар масаласига жиддий эътибор қаратилди.

ўзбек тилидаги турғун сўз бирикмалари алоҳида лисоний ҳодиса сифатида ёритилди.

турғун сўз бирикмалари бўлмиш таркибли термин, таркибли атама, парафраза, сўз бирикмаси қолипидаги фразаларнинг деривацион таркиби шакллантирилди.

турғун сўз бирикмалар синтактик деривация маҳсули эканлиги исботланди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги танланган мавзуга доир билдирилган назарий фикр ва мулоҳазалар йирик тилшунос олимларнинг илмий ғояларига асосланганлиги билан аниқланади. Бундан ташқари, олинган натижаларининг ҳар бири фактик тил материали воситасида далилланмоқда.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг турғун сўз бирикмалари бобида тилшунослик фанида сўнгги йиллар мобайнида эришилган ютуқларга асосланганлиги унинг илмий аҳамияти салмоқли эканлигини кўрсатади. Айниқса, турғун сўз бирикмаларининг нафақат семантик, балки синтактик ҳодиса ҳам

эканлигининг далилланганлиги ва шу боис уларни семантик ҳамда синтактик деривациялар маҳсули саналишининг илмий асослаб берилганлиги тадқиқотнинг илмий савияси муҳимлигидан далолат беради.

Ишнинг амалий аҳамияти эришилган натижалардан ўқув жараёнида фойдаланишда ўз аксини топади. Ишдан нафақат ўзбек тилшунослигида, балки, умумий тилшуносликда ҳам фойдаланиш мумкин. Айниқса, турғун бирикмаларнинг деривацион хусусиятларининг тадқиқи бобида эришилган натижалар универсал характерлидир.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси тадқиқи бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сўз бирикмаси қолипидаги фраземаларнинг деривацион тамойиллари доирасидаги бажарилган илмий тадқиқот иши натижалари Самарқанд давлат чет тиллар институтида олиб борилаётган ОТ–Ф8-062 сонли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” (2007-2011) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 сентябрдаги № 89-03-3316-сонли маълумотномаси). Ушбу материалнинг жорий этилиши нутқий тузилмалар деривацияси ва уларнинг функционал-семантик мундаражаси муаммоларига доир хулосалар чиқариш имконини берган;

соф турғун бирикмалар, сўз бирикмалари, таркибли атама, мураккаб термин ва парафразаларнинг деривацион тамойиллари И-204-4-5 “Инглиз тили мутахасислик предметларидан ахборот коммуникация технологиялари асосида вертуал ресурслар яратиш ва ўқув жараёнига жорий этиш” номли инновацион тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 2 февралдаги № 89-03-749-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланиши сўз бирикмалари, турғун бирикмалар, фразеологик иборалар ва терминларнинг қўлланилишига доир виртуал ресурслар яратишга оид методик тавсияларни шакллантиришда назарий жиҳатдан хизмат қилган;

турғун сўз бирикмаларининг синтактик деривацияси мавзусидаги илмий иш натижалари асосида тайёрланган таклиф ва тавсиялар институтнинг “5111400-Хорижий тил ва адабиёти”, “5120200-Таржима назарияси ва амалиёти” бакалавриат таълим йўналишлари ҳамда “5A120201-Қиёсий тилшунослик, лингвистик таржимашунослик” магистратура мутахасисликларининг малака талабларига сингдирилган, талабаларнинг ушбу фанлар бўйича билимларининг ошиши ва ўқув материалларини такомиллаштиришга хизмат қилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 23-июлдаги 89-03-2634 сон маълумотномаси);

сўзларнинг ўзаро муноабати, эркин ва турғун бирикмалар, ноидиомат ва идиоматик бирликлар таҳлили ҳамда қўлланиш усуллари бўйича олинган фикр мулоҳазалар Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси “Самарқанд садоси” эшиттиришинг 2020 йил 22-январдаги сони сценарийсига киритилган ҳамда уни тайёрлашда фойдаланилган (Самарқанд вилоят

телерадиокомпаниясининг 2020 йил 28-январдаги 09-01/9-сон маълумотномаси). Натижада тингловчилар учун тайёрланган материаллар мазмуни сайқалланиши ва бойишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 10 дан ортиқ илмий-амалий конференциялар ва семинарларда, жумладан 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола нашр қилинган. Уларнинг 6 таси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, 2 таси хорижий журналларда ва 5 та бошқа илмий журналларга берилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 124 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, мақсади ва вазифалари, ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар, тадқиқотнинг Республикада олиб борилаётган илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишлари билан мослиги, қўлланилган таҳлил методлари, эришилган илмий янгиликлар, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти хусусида сўз юритилади.

Тадқиқот ишининг **“Турғун сўз бирикмалари ва уларнинг ўрганилиши ҳолати”** деб номланган **биринчи боб**ида нафақат ўзбек тилшунослигида, балки жаҳон тилшунослигида ҳам ҳозирги даврга қадар сўзларнинг синтагматик муносабатини ўрганиш, асосан, эркин бирикмалар мисолида ўз ифодасини топгани, бу ўринда ҳам изоҳталаб масалалар борлиги, жумладан, сўз бирикмаларининг предикативлик ҳодисасига муносабати, тенг компонентли бирикмалар тадқиқи каби масалалар ҳали том маънода тадқиқотларимиз кун тартибига қўйилмагани каби масалалар хусусида фикр юритилган.

Ҳозирги кунгача сўз бирикмаси таърифи В.В.Виноградов таълимотига асосланганлигани ҳолда ўрганиб келинмоқда. Унга кўра, сўз бирикмаси дейилганда, мустақил сўзларнинг тобелик асосида ўзаро боғланиши тушунилмақда⁶.

Юқоридагилардан ташқари, турғун сўз бирикмаларининг семантик ва синтактик табиатини ўрганиш борасида тилшунослигимизда айтилаётган фикр ва мулоҳазалар ҳам изоҳталабдир. Аксарият тадқиқот ишларида улар фразеологик бирикмалар қолипида ўрганилмақда. Ваҳоланки, соф турғун бирикмалар, парафразалар ҳам мавжудки, уларнинг синтактик табиати,

⁶Қаранг: Современный русский язык. В 3 частях. –М., 1981. –С. 271 (3ч.)

компонентлари ўртасидаги муносабат масалалари тадқиқи ҳам ўз ечимини кутмоқда.

Т.А.Лапаева турғун бирикмалар ҳақида сўз юритганида, уларни фраземалардан фарқлаш лозимлигини айтади. Турғун бирикмалар ўзгармас ҳолдаги сўзлар муносабатини акс эттириши ва уларда фраземаларга хос идиоматик маъно бўлмаслиги таъкидланади⁷.

Соф турғун бирикмалар компонентларининг синтактик муносабати ўзгармас бўлса ҳам, уларнинг ҳар бири ўз маъно ифодасини йўқотмаган бўлади. Бошқача айтганда, бирикманинг умумий семантик салмоғи айни пайтда компонентларининг маъно ифодаларидан келиб чиқади: *темир йўл, дам олиш уйи, турмуш ўртоғи* ва ҳ.к.

Кўринадики, келтирилган мисолларда бирикма компонентларининг синтактик муносабатлари турғун бўлса-да, улар кўчма маънода қўлланмаган, зотан, *темир, йўл, турмуш, ўртоқ, дам, олмоқ, уй* сўзларининг истеъмолга киритилишида мажозийлик хусусиятлари кўринмайди. Лекин, шундай бўлишига қарамай, В.В.Виноградов таълимотида бу сингари бирикмали атамалар фразеологик қўшилмалар тарзида талқин этилади⁸.

Н.М.Шанский таркибли терминларни ҳам фразеологик ибора тарзида талқин этади. Бироқ у бу ўринда қандайдир маънода иккиланади ва терминларнинг фразеологик маъно касб этишини дадил кўрсатиб беролмайди. Олим семантик бутунлигига кўра улар ибора бўлолмаслигини кўрсатади: *Фрикативные звуки, вопросительный знак, экономическая политика* ва ҳ.к⁹.

Н.М.Шанский бир томондан, яъни ибора таркибидаги сўзларнинг ўз луғавий маъносида қўлланмаслиги жиҳатидан ҳақ бўлса, иккинчи томондан бундай эмасдек кўринади. Зотан, ибора компоненти сифатида келган сўз, агар у ўзининг лексик (луғавий) маъносини мутлақо тарк этган бўлса ҳам, шаклан сўздир. Уни бошқача ном билан атаб бўлмайди. Фикримиз исботини Л.И.Ройзензоннинг қуйидаги мулоҳазасида ҳам кўришимиз мумкин: “Мазкур нуқтаи назар (фразеологик чатишма компонентларнинг сўз мақомида эмаслиги ҳақидаги фикр-С.Ш.), бизнингча, ҳақиқатдан йироқдир. Фразеологик чатишма компонентлари сўзларни тақозо этади. Бундай лексик бирликлар у ёки бу маънода ўзларининг сўзга хос белгиларини намоиш этади”¹⁰.

В.И.Кодухов таълимотида таркибли терминлардан ташқари таркибли атамалар ҳақида ҳам сўз юритилади ва уларнинг фразеологик бирикмалардан фарқланиши кўрсатиб берилади¹¹. В.И.Кодухов фразеологик бирикмаларда кузатиладиган эмоционал-образлилик белгиси таркибли атамаларда

⁷Қаранг: Лапаева Т.А. Устойчивые сочетания в системе языковых единиц// Вестник Новгородского государственного университета, № 44, 2007. -С.77.

⁸Қаранг: Виноградов В.В. Русский язык (грамматическое учение о слове). – М., 1972. –С. 23.

⁹Шанский Н.М. Кўрсатилган асар. 205 бет.

¹⁰Ройзензон Л.И. Лекции по общей и русской фразеологии. – Самарқанд, 1973. – С. 11.

¹¹Кодухов В.И. Введение в языкознание.-М., 1986.-С.174.

йўқлигини ва шу боис мазкур икки ҳодиса бир-биридан фарқланишини алоҳида таъкидлайди ва шу билан бирга, таркибли атамалар мураккаб лексемалар эканлиги кўрсатилади.

Бизнингча, В.И.Кодуховнинг мазкур мулоҳазалари ҳақиқатга яқиндир, зотан, таркибли атамалар фразеологик бирикмалардан фарқли равишда, мажозий маъно касб этмайди. Шунга кўра, уларни асосиз равишда фразеологик бирикмалар жумласига киритиш масала тавсифини чалғитади, холос.

Юқоридагилардан ташқари, бошқа илмий манбаларда ҳам том маънодаги турғун сўз бирикмалари билан фразеологик ибораларнинг кескин фарқланмаганини кўрамыз. Масалан, А.В.Дудниковнинг бу ҳақда айтилган мулоҳазаларига эътибор берайлик. Унинг фикрига кўра: “Ҳозирги рус тили фразеологияси – бу жумла тузилишида сўздан бир поғона юқори бўлган унинг мазмуний – грамматик элементини ташкил этувчи тайёр ҳолдаги тил маҳсулотини тақозо этадиган турғун сўз бирикмаларидан иборатдир”¹².

Шуни ҳам айтиш лозимки, Ф.Ф.Фортунатов “ажралмас бирикма” тарзида ўрганган сўз бирикмалари ҳозирги тилшуносликда кўпроқ фразеологик ибора тарзида изоҳланади. Олим бу сингари турғун бирикмаларни бир сўз (ягона) қолипда келувчи бўлинмас (мураккаб) сўзлар билан қиёслайди ва уларнинг бири мустақил сўз (Москварека) тарзида, иккинчи эса сўз бирикмаси қолипда келишини алоҳида таъкидлайди¹³. Айтиш жоизки, Ф.Ф.Фортунатовнинг таълимотида гап ҳам кенг маънода сўз бирикмаси сифатида талқин этилади.

Келтирилган мулоҳазанинг ўзи ҳам Ф.Ф.Фортунатов таълимотида сўз бирикмаси назарияси мукамал ишланганидан далолат беради. Олим *железная дорога, великий пост* тарзида шаклланган сўз бирикмалари фразеологик иборалардан фарқланувчи турғун бирикмалар эканлигини тўғри изоҳлаб бера олган.

Шуни ҳам айтиш керакки, ғарб тилшунослигида фразеологик бирикмалар бирмунча ўзгачароқ талқин этилади. Бошқача айтганда, бунда фразеологик бирикмаларни фразеологик қўшилма, фразеологик бирлашма, фразеологик чатишма сингари турларга бўлиб ўрганиш қарийб кузатилмайди.

Юқорида эслатиб ўтилган турғун сўз бирикмаларидан ташқари яна грамматик жиҳатдан турғунлик касб этувчи сўз бирикмалари ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг компонентлари ўртасида ҳам синтактик муносабат кузатилади. Айни пайтда шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, турғун бирикмаларнинг мазкур тури ҳақида ўз даврида В.В.Виноградов эслатиб ўтган бўлса, бу турдаги грамматик қолипдаги турғун бирикмалар тилшуносларимиз томонидан эндигина ўрганила бошланди.

¹²Дудников А.В, Современный русский язык. – М., 1990.-С.117.

¹³Қаранг: Фортунатов Ф.Ф. Избранные труды. –М., 1956.-С.173-174.

Парафразалар талқини негадир рус тилида чоп этилаётган лексикология муаммоларига бағишланган тадқиқот ишлари ёки дарслик, ўқув қўлланмаларида қарийб берилмаяпти. Шу жумладан, уни фразеология масалаларига оид тадқиқот ишларида ҳам кузата олмаяпмиз.

А.М.Эмирова парафразаларни фразеологик иборалар жумласига киритади. Бизнингча, бундай мулоҳаза изоҳталабдир. Чунки парафразалар компонентлари ўз лексик маъноларини тарк этмайди. Тўғри, бундай бирикмаларда ҳам қандайдир маънода мажозийлик белгилари кузатилади. Аммо бу билан уларнинг фразеологик иборалардан фарқи йўқ, деган хулосага келиш қийин.

Бизнингча, бу ўринда ҳам қандайдир ғализлик кўзга ташланади. Масалан: *Само лочинлари келишди. Дала маликаси бўй чўзмоқда. Оқ олтин хирмони, зангори кема капитани*. Агар келтирилган мисолларнинг олдинги иккитасида парафразалар гапнинг эгаси вазифасида келаётган бўлса, кейинги икки мисолда улар аниқловчи вазифасини бажармоқда.

Умуман олганда, ҳозирга қадар турғун сўз бирикмалари талқини бобида тилшунослар фикрларининг муштарак эмаслигини кўрамиз. Ана шу боис фразеологик бирикмалар тавсифида, улар таркибига қай ҳолатдаги турғун бирикмалар киритилиши лозимлиги ҳақида бирор қатъий фикр айтилгани йўқ. Бу ўринда фикр далили сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин.

Турғун сўз бирикмаларининг илмий талқини туркий тиллар материалида ҳам озми-кўпми ишланган ¹⁴. Жумладан, С.Н.Муратовнинг таъкидлашича ҳар қандай фразеологик ибора турғун сўз бирикмаси саналиши мумкин, аммо ҳар қандай турғун бирикма ибора бўла олмайди¹⁵. Муаллиф барча турдаги фразеологик ибораларда идиоматик маъно мавжуд деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, С.Н.Муратовнинг фразеологик ибораларнинг ҳар қандай турида ҳам идиоматик маъно ифодаси мавжудлиги хусусидаги мулоҳазаси билан ҳам тўлиқ қўшилиш мумкин.

Ҳ.Бердиёров, Р.Расулов, Б.Йўлдошевлар фразеологик ибораларнинг лингвистик табиатини мақол, ҳикматли сўзлар, матал, кириш сўзлар ва шу кабиларни ифодаловчи тил бирликларини ҳам фразеология доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқлигини эслатиб ўтадилар.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик ибораларнинг илмий тадқиқи бобида Ш.Раҳматуллаевнинг хизматлари катта бўлди¹⁶.

Ш.Раҳматуллаев ўзининг “Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари” номли асарида фразеологик полесимия, синонимия, вариация, антонимия, омонимия ҳодисалари, шунингдек, фразеологик паронимлар ва параформалар ҳақида ҳам анча кенг маълумот беради ¹⁷.

¹⁴Қаранг: Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. –М., 1960.-С.115.

¹⁵Қаранг: Муратов С.Н. Устойчивые словосочетания в тюркских языках. –М., 1960.-С.115.

¹⁶Қаранг: Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари.-Тошкент, 1966, 3-бет.

¹⁷Қаранг: Ўша асар.

Фразеологик иборалар тадқиқи проф. Б.Йўлдошевнинг ҳам илмий йўналишининг асосини ташкил қилади ¹⁸. Бундан ташқари, олимнинг туркийшунослик ва ўзбек тилшунослигида фразеологик ибораларни ўрганиш бобида қилган тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади. Бирок, Б.Йўлдошевнинг ибора тушунчасини кенг маънода изоҳлаши ва бунинг натижасида таркибли атамалар (*Абу Али ибн Сино, Имом ал-Бухорий, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ироқи дўппи, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси* ва ҳ.к.) ҳам фраземалар сифатида талқин этилиши, бизнингча, изоҳталабдир ¹⁹.

Зотан, бундай атамаларда фразеологик ибораларга хос бўлган идиоматик маъно кузатилмайди. Мазкур атамалар турғун бирикмаларнинг маъно салмоғи компонентлари мазмуни синтезидан келиб чиқади.

Ўзбек тилшунослигида фразеологик ибораларнинг қўлланиш меъёри масаласига бағишланган тадқиқот ишларидан бири А.Э.Маматовнинг докторлик диссертациясидир ²⁰.

Мазкур монографик тадқиқотда фразеологик меъёр тавсифи атрофлича талқин этилади. А.Маматовнинг таъкидлашича, фразеологик меъёр масаласига сўнгги йилларда чоп этилаётган бадий асарларда, айниқса, фразеологик маъно масаласига, етарли эътибор берилмаяпти ва бунинг натижасида ибора қўлланишида турли хил нуқсонлар кузатилмоқда ²¹.

Ишнинг иккинчи боби **“Соф турғун сўз бирикмалари синтактик деривацияси”** деб номланган. Маълумки, таркибли атамалар, фразеологик иборалар, парафраза, ҳикматли сўзлар (бирикмалар) мақол кабиларнинг барчасида сўзларнинг ўзаро муносабати турғун ҳолатда эканлигини назарда тутлади. Бу уларнинг синтактик структуралари ўртасида муштараклик борлигидан далолат беради. Лекин мазкур бирикмалар компонентларининг семантик салмоғи қайтарзда истеъмолга кириши масаласи бобида улар ўртасида фарқ кўзга ташланади. Шунинг учун таркибли атамалар, таркибли ономастик бирликлар, мураккаб терминлар ва парафразаларни шартли равишда соф турғун бирикмалар деб, идиоматик бирикмаларни фразеологик иборалар деб аташни лозим топдик.

Таркибли атамалар ва уларнинг синтактик деривацияси борасида шуни алоҳи таъкидлаш лозимки, атама ва термин тушунчаларининг маъно нозиклигида фарқ бор. Атама тушунчаси, бизнингча, кенг маънолидир, зотан, воқеликдаги нарса, предмет, воқеа-ҳодисалар номларининг барчаси атамадир. Термин эса бирор фан, соҳа бўйича қўлланадиган махсус сўз ёки бирикмани тақозо этади. Бу борада ишимизда А.Ҳожиёвнинг мулоҳазасига

¹⁸Қаранг: Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал - услубий хусусиятлари // Докторлик дис.авторреф.-Тошкент, 1993;

¹⁹Қаранг: Йўлдошев Б. Ўзбек тилида конвенционал турғун бирикмаларнинг структурал-грамматик хусусиятлари ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2004, №3, 66-бет.

²⁰Қаранг: Маматов А.Э.Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке // Автореф. докт. дис. –Тошкент, 1991.

²¹Қаранг: Ўша автореферат, 41-43-бетлар.

таяндик²². Терминологик тамойилларга кўра термин шаклан қисқа ва ихчам бўлиши керак²³. Ҳатто таркибли терминлар ҳам бундан истисно эмас²⁴.

Ш. Балли ҳам синтагма аниқловчи-аниқланмиш қолипида келишини ва у ҳар доим эркин бўлишини таъкидлайди: *table ronde, table carre'e* (думалоқ стол, квадрат стол)²⁵. Бундай қарашларни С.О.Карцевский, А.А.Холодович, А.А.Реформатскийлар ишларида ҳам кузатиш мумкин²⁶.

Таркибли атамалар турғун ҳолат касб этганлиги ва тилимиз луғат таркибида тайёр ҳолда мавжудлигидан қатъи назар, уларнинг умумий маънолари компонентлари лексик маънолари орқали воқеланаётганини кузатамиз. Зотан, бирикмалар компонентларининг ҳар бири ўз лексик маъноларини тарк этаётгани йўқ. Бизнингча, ана шу сабабдан бу сингари турғун бирикмалар компонентларининг синтактик алоқалари ҳам, гарчи статик белгили бўлса-да, маълум даражада сақланади. Буни қуйидагиларда кузатиш мумкин: *турмуш ўртоғи, дарс жадвали, тест маркази, кун тартиби, бахт қуши* каби бирикмалар компонентлари мослашув, *ташқилий қўмита, темир ирода* бирикмалари компонентлари эса битишув усуллари қоидаларига бўйсунмоқда.

Дериватологияда тил материали *оператор, операнд* ва *дериват* терминлари орқали талқин этилади. Ана шу асосда турғун бирикманинг умумий шаклини *дериват*, бирикма компонентларининг ҳар бирини алоҳида *операнд*, компонентлар муносабатидан дериватни вужудга келтирувчи унсурни эса *оператор* тарзида ўрганамиз: *Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Миллатлар Ташиқилоти*.

Бироқ бу билан юқорида берилган *Америка Қўшма Штатлари, Бирлашган Миллатлар Ташиқилоти* каби атоқли от қолипидаги таркибли атамаларда –нинг аффиксини “изсиз йўқолган” деб тушунмаслик лозим. Унинг иштироки айни пайтда ҳосила шакллантирувчи оператор учун зарур бўлмаса ҳам, муайян бир отни иккинчи бир отга тобелаштирувчи восита сифатида муҳим мавқега эгадир. Таркибли атама қолипида шаклланган турғун бирикмаларнинг синтактик фаоллиги ва функционал қиммати улар нутқда реал қўлланилиши жараёнида белгиланади. Бунда турғун бирикмалар, шу жумладан, таркибли атамалар ҳам гапнинг (жумланинг) қурилиш материали сифатида фаоллик кўрсатади ва бу билан эркин бирикмалардан кескин фарқланади. Чунки, эркин сўз бирикмалари гапнинг қурилиш материали бўла олмайди²⁷.

²²Қаранг: Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. –Тошкент, 1985, 88-89-бетлар.

²³Қаранг: Лейчик В.М. Терминоведение: предмет, методы, структура. – М., 2007. – С.13-15.

²⁴Қаранг: Лингвистический энциклопедический словарь. –М.,1990.-С.508.

²⁵Қаранг: Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка.-М., 1955.-С.155.

²⁶Қаранг: Карцевский С.О. Повторительный курс русского языка.-М.,-Л., 1928.-С.24; Холодович А.А. Синтаксис японского военного языка.-М.,1937; Реформатский А.А. Фонологические этюды.-М.,1975.-С.18-30.

²⁷Қаранг: Четин. М. Ҳозирги ўзбек ва турк тилларида сўз бирикмаси синтактик деривацияси// Номзод.дис.автореф. –Тошкент, 2002,14-бет.

Таркибли ономастик бирликлар, терминлар талқини ва уларнинг деривацион хусусиятлари ҳақида фикр билдирилганида, албатта, киши номларидан иборат мазкур бирликлар икки ва ундан ортиқ компонентли бўлгани учун уларни таркибли деб юритишади: *Муҳаммад Заҳириддин Бобур, Абу Али Ибн Сино, Акмал Ахмедович Пулатов* ва ҳ.к.

Мазкур характердаги таркибли ономастик бирликлар синтактик шаклларига кўра терминларга ўхшаса ҳам, мазмуний планда уларга тескари туради. Бу ҳақда В.М.Лейчик қуйидагиларни таъкидлайди: “...атокли отлар мазмуний жиҳатдан терминларга қарама-қарши туради. Бир томонда предметлар гуруҳи, мавҳум тушунчалар ва уларга мос ҳолда терминлар турса, иккинчи томонда яқка предметлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва уларга мос ҳолда атокли отлар туради”²⁸.

Бу ҳақда С.Д.Шелов қуйидагиларни таъкидлайди: “Профессионализмлар касбга оид содда тил бўлиб, улар терминларга яқин турадиган махсус тушунчаларни ифодалайди, бироқ том маънодаги терминлар саналмайди. Бунинг боиси уларнинг ностандарт, меъёрдан фарқ қилувчи тушунчаларни ифодалашидир”²⁹.

Бизнингча, термин профессионал лексикадан биринчи галда ўзининг қўлланиш доираси торлиги ва яқка маънолиги билан фарқ қилади. Бунга С.Д.Шелов келтирган қуйидаги мисоллар далил бўлиши мумкин: *Тош, бронза, темир*=умумистеъмолдаги сўзлар; *тош асри* (каменный век), *бронза асри* (бронзовый век), *темир асри*(железный век) =терминлар³⁰.

Термин, таркибли термин тушунчалари борасида терминология соҳасида изоҳталаб масалалар талайгина кўринади. Хусусан, Н.Маҳкамов “Терминологияда, жумладан, ўзбек терминологиясида ҳозирги кунда қўшма, жуфт, составли (бириқма) терминлар чегараси, уларнинг терминологияда қўлланилиш мезонлари белгиланмаган, уларнинг орфографиясида эса қатор чалқашликлар мавжуд. Бугунги кунда фан ва техниканинг ривожланиши натижасида кўплаб янги терминлар вужудга келяпти, бу эса, ўз навбатида, терминологиядаги бу масалани янада мураккаблаштиради”³¹, деб таъкидлайди.

Терминнинг термин бўлиши аввало контекст билан узвий боғлиқдир. Маълум бир илмий контекстда термин сифатида қўлланган сўз бошқа контекстда ўз мақомини ўзгартириши ҳам мумкин. Бу ҳақда айтилган Ҳ.Бектимиров ва Э.Бегматовларнинг қуйидаги фикри аҳамиятлидир: “Термин ва терминология ҳақида гап борар экан, аввало илмий терминлар кўзда тутилади. Ҳар қандай илмий термин илмий матн ёки илмий нутқда

²⁸Лейчик В.М.Номенклатура- промежуточное звено между терминами и собственными именами // Вопросы терминологии и лингвистической статистики.-Воронеж, 1974.-С. 16-17.

²⁹Шелов С.Д. Терминология, профессиональная лексика и профезиализмы(К проблеме классификации специальной лексики) // Вопросы языкознания, 1984, №5. –С.84.

³⁰Қаранг:Шелов С.Д. Кўрсатилган асар, 85-бет.

³¹Маҳкамов Н. Ўзбек тили терминологиясида жуфт терминлар ва уларни тартибга солиш (физика ва техника терминлари мисолида) // Ўзбек тили илмий-техникавий терминологиясини тартибга солиш принциплари.- Тошкент, 1991, 68-бет.

пайдо бўлади ва ўша лисоний муҳит, маконда яшайди”³². Терминология бобида ҳали изоҳталаб масалалар мавжудлиги шубҳасиздир. Бизнингча, А.А.Реформатский ўз тадқиқотларида «чтобы быть хорошим членом терминологии», «неудобные термины», «терминология – это в идеале строгая и умная» каби тушунчалардан фойдаланганида шу нарсани кўзда тутган бўлса керак³³.

Таркибли терминлар ва атамаларнинг фарқлаб ўрганилиши уларнинг семантик хусусиятлари билан боғлиқдир, синтактик шаклларига кўра улар муштарак қолиплар сатҳига сиғади. Бошқача айтганда, таркибли атамалар ҳам, таркибли терминлар ҳам бир хил лексик синтагма қолипида келади. Ана шу боис уларнинг деривацион хусусиятлари ҳам муштаракдир. Фикр исботи учун қуйидаги таркибли термин синтактик деривациясига эътибор қаратамиз: *Ядро заррачалари тезлаткичи*. Мазкур мисол физикага хос термин саналади ва унинг шаклланиши қуйидаги деривацион жараён билан боғланмоқда: а) ядро (нинг) заррачалари; б) ядро (нинг) заррачалари (нинг) тезлаткичи.

